САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ ОБИДЖОН ХАФИЗОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоклари иктисодиёти

ИҚТИСОДИЁТ фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 338.48.:577.4 (575.1)

Фан доктори (Doctor of Science) дисссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the Doctoral (Doctor of Science) Dissertation Abstract

| Хамидов Обиджон Хафизович | |
|---|----|
| Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш | |
| механизмини такомиллаштириш | 3 |
| Хамидов Обиджон Хафизович | |
| Совершенствование механизма управления развитием экотуризма в Узбекистане | 31 |
| Khamidov Obidjon Khafizovich | |
| Improvement of management mechanisms in the development of ecological tourism in Uzbekistan | 59 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати | |
| Список опубликованных работ | |
| List of published works | 63 |

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДОВ ОБИДЖОН ХАФИЗОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоклари иктисодиёти

ИҚТИСОДИЁТ фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt35 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иктисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи: Ходиев Баходир Юнусович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Нуримбетов Равшан Ибрагимович

иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Махкамова Мамлакат Абдукадировна иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баходирхон Шахриёрович

иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети

| Диссертация химояси Самарканд иктисодиёт ва сервис институти хузуридаги илмий | | | | |
|--|--|--|--|--|
| даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01. рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий | | | | |
| кенгашнинг 2017 йил «»куни соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: | | | | |
| 140100, Самарканд шахри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (998 66) 231-07-45, (998 66) 233- | | | | |
| 28-38,e-mail: ilm@sies.uz. | | | | |
| Диссертация билан Самарканд иктисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (ракам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарканд шахри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 231-07-45. | | | | |
| шалы, тыпр темур ку шеп, 7 ун. тем (770 00) 251 07 45. | | | | |
| | | | | |
| Диссертация автореферати 2017 йил «»куни тарқатилди. (2017 йил «» даги рақамли реестр баённомаси). | | | | |

М.Р. Болтабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

И.С. Тухлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жахон ахолисининг сайёхлик сохасига бўлган қизиқишлари йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, айникса, туризмнинг энг жозибадор тури – экотуризмга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига ва бу маданий хордик чикариш заруриятига айланаётганлиги ундан олинаётган даромадлар микдорининг доимий ўсишига, молиявий жараёнлар фаоллашувининг харакатлантирувчи воситаларидан бири сифатида шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмокда. Бутунжахон туризм ва сайёхлик кенгашининг маълумотларига кўра, ушбу тармокда 292 миллиондан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг жахон иктисодиётидаги хиссаси 7,6 трлн. долларни, ЯИМдаги ташкил этмокда¹. Бундан ташқари, туризм улуши эса 10,2 фоизни хизматлари экспорти жахон товар ва хизматлар экспортининг етти фоизини ташкил этади. Дунё экспорти таркибида туризм ёкилги, кимё саноати, озиковкат хамда автомобиль саноати экспортидан кейин бешинчи ўринни эгаллаганлиги унинг иктисодиёт тармоклари ривожланишига ўзига хос тарзда ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.

Мустакиллик даврида республикамизда туризм сохасини жадал суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган бир қатор мақсадли чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги қонуни қабул қилиниши, Буюк ипак йўли бўйлаб туризмни ривожлантириш дастури амалга оширилиши, худудларнинг ижтимоий ва табиий ресурсларидан туризмда самарали фойдаланиш хамда ижтимоий-иктисодий тармокларнинг параллель тараккий эттирилишига мўлжалланган давлат дастурлари ижросини таъминлаш ишларига урғу берилди. Яъни, 2014 йилда Бутунжахон туризм ташкилотининг 99сессиясининг Самарқанд шахрида ўтказилганлиги республикамизда халқаро тажрибани кенг қўллашда мухим роль ўйнаганини алохида эътироф этиш мумкин. Сўнгги 20 йил давомида туризмнинг ўртача ўсиш суръати 7,6 фоизга, ташриф буюрган хорижий сайёхлар сони 7,1 мартага², ялпи ички махсулотдаги улуши олти мартага³, сохада бевосита банд бўлганлар сони беш мартага ошди. Сохада янги йўналишлар, шу жумладан, экологик туризмнинг ривожланиши уни бошқаришни миллий иқтисодиётимизнинг тегишли тармоқлари комплекслари билан интеграциялашнинг кучайишига олиб келади. Бугунги кунда туризм сохасини ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди, жумладан, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этилиб, ушбу coxa тараққий этишини

-

¹ Travel & tourism global economic impact & issues 2017, // World travel & tourism council, United Kingdom, 2017.

² 2016 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари // Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. – Тошкент, 2017.

³ Travel & tourism global economic impact & issues 2017, // World travel & tourism council, United Kingdom, 2017.

жадаллаштириш учун қушимча имконият ва имтиёзлар яратилди⁴, Узбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш буйича Харакатлар стратегиясида туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғи мақомини олди ва тараққиётнинг янги сифат босқичига утиши бошланди.

Жахон амалиётида туризм ва экологик туризмни ривожлантириш, окилона фойдаланиш борасида ресурслардан муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан максадли илмий оширилган. изланишлар Шу нуқтаи-назардан амалга караганда, мамлакатимизда хам экологик туризм тизимида тадбиркорликни йўлга ташкил этишда халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш хамда инновацияларни татбик этиш, мухофаза этиладиган табиий худудларни манфаатдор идоралар иштирокида самарали бошкариш, экологик туризмни барқарор ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, табиий ресурслар хисобини юритадиган ягона электрон маълумотлар базасини яратиш, экотуристик хизматлар бозорини кенгайтириш ва экологик механизмини бошқариш такомиллаштириш хамда самарадорлигини оширишга алохида эътибор берилмокда.

Узбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги «Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўгрисида»ги (2004) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 18 февралдаги «Ўзбекистонда туризм сохасини ривожлантириш бўйича 2016-2017 йилларга мўлжалланган аник амалий чора-тадбирлари тўгрисида»ги 02/87-2-сонли топшириғи, Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида» ги 4861- сонли Фармони, 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм сохасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора – тадбирлар тўғрисида»ги Қарори хамда 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисида»ги фармонлари ва мазкур сохага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадкикотнинг республика фан технологиялари ва устувор йўналишларига ривожланишининг мослиги. мавзуси республикамизда амалга оширилаётган илмий-тадкикот ишларининг устувор йўналишларига мос келиши билан бирга экотуризмни бошқариш «Демократик ва механизмини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, маънавий-ахлокий жамиятни ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофик бажарилган.

_

⁴ Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадкикотлар шархи⁵. Экологик туризмни ташкил этиш, ривожлантириш ва бошкарув механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жахоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Халкаро экотуризм жамияти (The international ecotourism society, АҚШ), Марказий Флорида университети (University of Central Florida, АҚШ), Вашингтон давлат университети (Washington state university, АҚШ), Гриффит университети (Griffith university, Австралия), Эдинбург Напиер университети (Edinburg Napier university, Буюк Британия), Жэймэс Кук университети (James Cook Сингапур), Барқарор ривожланиш мактаби university, (Sustainability management school, Швейцария), Гонгконг политехника университети (The Hong Kong Polytechnic university - School of Hotel and Tourism Management, Hong Kong), Лас Палмас де Гран Канария университети (Univesidad de Las Palmas de Gran Canaria, Испания), Тэйлор университети (Tailors University, Малайзия). Самарканд иктисодиёт ва сервис институти ваТошкент давлат иктисодиёт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмокда.

Туризм сохаси, хусусан, экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштиришга оид халқаро тадқиқотлар натижасида бир катор илмий натижалар олинган: туристик фаолиятнинг ижтимоий, иктисодий, экологик ва маданий жихатдан табиат ресурсларига ижобий таъсири асослаб берилган (Griffith university, Австралия); экологик туризм тизимида тадбиркор- ликни амалга ошириш ва экотуристик (Edinburg объектларни бошқариш механизми аниқланган университети, Британия), ижтимоий маълумотларнинг алмашиниш назарияси хамда сайёхларнинг экологик саёхатдан қониққанлик даражасини интернет тармоғи орқали аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган (The Hong Kong Polytechnic university - School of Hotel and Tourism Management, Hong Kong); экологик туризмни ташкил этишда халқаро стандартлардан кенг фойдаланиш махаллий ахоли кўрсатадиган хизматларни такомиллаштириш механизмлари ишлаб чикилган (Univesidad de Las Palmas de Gran Canaria, Испания, Tailors University, Малайзия). Миллий ва худудий бозорини инновацион ривожлантириш хизматлари хусусиятлари ва тенденциялари тадқиқ қилинган (Самарқанд иктисодиёт туризмнинг миллий иктисодиёт ривожланишига ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъсир кўрсатиши ўрганилган (Тошкент давлат иктисодиёт университети).

Дунёда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда

_

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадкикотлар шархи. – Kelly Bricker, Rosemary Black, Stuart Cotrell: Sustainable tourism & Millennium development goals. The international ecotourism society, 2013. - 332 p.; Anton Krause, Erich Weir: Ecotourism. Nova science Publishers, 2010. - 284 p.; David Weaver: Ecotourism. John Wiley & Sons Australia Ltd., 2nd edition 2008 - 210 p.; Proceedings of the tourism outlook conference: Balancing development and sustainability in tourism destinations, 2015 - 408 p.; James Higham: Critical issues in ecotourism. Elsevier published Ltd., 2007 - 439 p.; www.unwto.org - United nation world tourism organization, www.ecotourism.org - The international ecotourism society веб-сайтлари ва бошка манбалар асосида амалга оширилган.

олиб борилмокда: тадкикотлар худудларда экологик туризм самарадорлигини ошириш методологиясини такомиллаштириш; мухофаза этиладиган табиий худудлар ресурсларидан унумли фойдаланиш моделини ишлаб чикиш; экотуристик хизматлар кўрсатиш тизимини диверсификация қилиш; туризм хизматларини стандартлаштириш ва сифатини ошириш учун жахон стандартлари асосида таснифлаш моделини ишлаб чикиш; мухофазага олинган табиий худудларни зоналаштириш оркали атроф-мухитга таъсир бўлган туристик фаолиятни ташкил этиш; туристик инфратузилмалар қурилиши мумкин бўлган худудларни белгилаб олиш; туризмни экологик ривожлантиришда инновацион менежмент стратегияларидан фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Экологик туризмни бошқариш механизмини такомиллаштиришнинг минтақавий муаммолари Robert L.David A., Fennell, Martha Honey, David Weaver, Stephen Wearing, John Neil, Robert Fletcher каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган⁶.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари М.Б.Биржаков, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, А.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Кварталнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, В.Г.Федцов, В.В.Храбовченколар ўз илмий ишларида экологик туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган⁷.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабаев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тўхлиев, Ғ.Ҳ.Қудратов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, А.С. Солиев, М.Р.Усмонов, М.М.Мухамедов, Д.К.Усманова, М.Хошимов, А.Норчаев, Б.Ш. Сафаров ва Б.Тўраевларнинг илмий изланишларида экологик туризмни ривожлантириш ҳамда бошқаришнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган⁸.

_

⁶ Environmental Restoration and Design for Recreation and Ecotourism: Robert L. France, November 16, 2011 by CRC Press, 312 Pages.; Ecotourism: David A. Fennell- Routledge; 3rd edition (December 13, 2007), Simultaneously published in the USA and Canada by Routledge. 304 p.; Ecotourism and Sustainable Development Dr. Martha Honey, Island Press; 2 edition (August, 2008), 568 p.; Ecotourism 2 nd Edition: David Weaver (Author), Wiley; 2nd edition 2008 y, 360 p.; Ecotourism 2nd Edition: Stephen Wearing, John Neil, Routledge; 2nd edition (March 25, 2009), 304 p.

⁷ Храбовченко В.В. Экологический туризм: учеб.-метод. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 208 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. СПБ.: Издательский Торговый дом «Герда», 2008. - 576 с.; Боголюбов В.С., Орловская В.П.Экономика туризма. - М.: Издательский центр «Академия», 2005. - 151 с.; Дурович А.П. Маркетинговые исследования в туризме: учебное пособие. - СПБ.: Питер, 2008.- 384 с.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. - Минск: Новое знание, 2002. - 407 с.; Квартальнов В.А. Туризм: учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 320 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 379 с.; Христов Т.Т. Религиозный туризм: учеб. пособ. - 3-е изд., испр. - М.: Издательский центр «Академия», 2007.- 288 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2007. - 416 с.; Федцов В.Г. Культура гостиничнотуристического сервиса: учебное пособие. - Ростов н/Д: Феникс, 2008. - 503 с.

⁸ Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.-248 с.; Болтабаев М.Р. «Туризм: назария ва амалиёт» фанидан электрон дарслик яратиш технологияси: услубий кўлланма.- С.:СамИСИ. 2016.-96 б.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарканд, СамИСИ. 2006 - 74 б.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризмни ривожлантириш имкониятлари. - Т.: «Фан ва технология», 2007. - 32 б.; Тухлиев И.С. Туризм асослари. Дарслик. - Т.: Фан ва технологиялар, 2014. -332 б.; Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: «Иктисод ва молия», 2010.-238 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. - Т.: Гос. Науч. Изд-во «Oʻzbekiston milliy

туризмни Мавжуд тадкикотларда ЭКОЛОГИК ривожлантиришни бошқариш механизмини тадқиқ этиш бўйича маълум назарий ва методологик натижалар олинган бўлишига қарамасдан, уларда мазкур муаммонинг хозирги холати ва истикболлари комплекс равишда ёритилмаган. Хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар асосан қитъа, минтақа ёки мамлакатлар бўйича умумий йўналишларда амалга оширилган. Айнан шу холат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг максад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасаси илмий-тадкикот ишлари билан боғликлиги.Мазкур диссертация Тошкент давлат иктисодиёт университетининг илмий-тадкикот ИТД-2-17 «Ўзбекистонда режаси хамда ички туризмнинг ривожланиш истикболлари ва имкониятларининг иктисодий тахлили» лойихаси доирасида бажарилган.

Ўзбекистонда Тадкикотнинг максали экологик туризмни ривожланти-ришни бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

Тадкикотнинг вазифалари:

экотуризмни бошқариш механизмининг методологик асосларини такомиллаштириш;

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда экологик туризмнинг ташкилий-бошқарув шакллари, амалиёти, ривожланиш тенденцияларини тахлил этиш ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш;

Узбекистон Республикаси миллий иктисодиётини бошкариш тизимида туристик-рекреация мажмуининг ўрни ва уни бошкариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Узбекистоннинг мухофаза этиладиган табиий худудларида экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш ва истиқболларини белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чикиш;

экотуристик фаолиятнинг бошқариш механизмини миллий иктисодиётга интеграциялаш асосида такомиллаштириш йўналишларини белгилаш.

Тадкикотнинг объекти сифатида Ўзбекистон экологик туризм тизимида иштирок этувчи хўжалик юритувчи субъектлардаги муносабатлар танланган.

ensiklopediyasi», 2006. - 416 с.; Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси. - Самарканд: СамДУ, - 2005. - 131 б.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм сохасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги курсаткичларига таъсири // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Самарқанд, 2007 й., 4-7 сентябрь.; Усманова Д.К. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. иктисод фан. ном. дис. Автореферати. - Самарқанд, СамИСИ, 2009. - 25 б.; Хошимов М. Ўзбекистон экологик туризми. Монография. Самарқанд, "Зарафшон" нашриёти ДК, 2009. - 220 б.; Норчаев А.Н. «Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иктисодий ўсишга таъсири» номзодлик диссертацияси. ТДИУ, 2004 й. - 120 б.; Тўраев Б.Х. Теоретико - методологические основы развития туризма. -Т.: изд. «Фан», 2008. - 166 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси. СамИСИ, 2015 й. - 254 б.

Тадқиқотнинг предметини экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадкикот усуллари. Диссертация ишида тизимли ёндашув, иктисодий тахлил, монографик кузатув, математик моделлаштириш, эксперт бахолаш, экстрополяцияли прогноз усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши эканлиги асослаб берилган;

экотуризмни ривожлантиришни бошқаришнинг атроф-мухит муҳофазаси, экотуристик хавфсизлик ва назорат стратегиялари ишлаб чиқилган;

экотуризмнинг ресурслар салохиятини бошқариш ҳамда самарадорлигини баҳолашнинг балли усули ишлаб чиқилиб амалиётда фойдаланиш йўналишлари тавсия этилган;

Ўзбекистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барча категорияларининг маълум ҳудудини рекреация-экотуристик ҳудудларга ажратиш тавсия этилган, уларнинг имкониятлари ўрганилган ва ривожланиш истикболлари белгиланган;

мамлакатимиз муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида экологик туризмни ривожлантириш индекси аниқланган, экологик туризмдан олинадиган даромад ҳажмини ошириш орқали экотуризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш имконияти аниқланган;

экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш ва уни миллий иқтисодиётга интеграциялаш йўналишлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш йўллари ва тенденциялари аникланган, улардан экотуризмни ихтисослашган йўналиш сифатида бошқаришда фойдаланилган;

экотуризмни бошқаришнинг халқаро амалиёти ўрганилган ва улардан мамлакатимизда маҳаллий аҳоли ва ҳокимият органлари иштирокида экотуризмни ривожлантиришни бошқариш масалаларини ҳал этишда фойдаланилган;

туристик-рекреация мажмуи фаолиятини бошқариш механизми самарадорлигини комплекс баҳолаш буйича ишлаб чиқилган таклифлар экотуризмни бошқариш амалиётида қулланилган;

мухофаза этиладиган табиий худудларда экотуризмни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, истикболини белгилаш ва бошкаришни иктисодий-математик моделлаштириш хамда даромадларни прогнозлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан худудларда экотуризмни ривожлантириш концепцияси дастурларини ишлаб чикишда ва фойдаланилган;

Ўзбекистонда экотуризмни бошқариш механизмларини такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва миллий иқтисодиётга интеграциялаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялардан минтақаларда жозибадор экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиклиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар экотуризм соҳасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини таъминлайдиган илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Шунингдек, улардан бошқариш меҳанизмларининг концептуал асослари, усуллари ва моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклифлар, амалий тавсиялар экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш ва комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади. Ишнинг тегишли натижаларидан «Хизматлар соҳаси», «Туризм» йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув жараёнида, «Экотуризм», «Туризм», «Туризм иқтисодиёти», «Туроператорлик фаолияти» фанларидан ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар тайёрланишида фойдаланиш мумкин.

Тадкикот натижаларининг жорий килиниши. Экологик туризмни ривожлантиришни бошкариш механизмини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чикилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

бошкариш стратегияси, тамойиллари, экотуризмни татбик этиш жараёнини ташкил ЭТИШНИНГ балл тизимини бахолаш йўналиши «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятига жорий этилган («Ўзбектуризм» МКнинг 2016 йил 6 июндаги 01-09928-сонли тахлилий маълумотномаси). Мазкур тавсиялар татбик этилиши натижасида Угам-Чотқол миллий боғи таркибида экотуризмни бошқариш бўлими ташкил этилди ва максадли экотуристик дастурлар ишлаб чикилди, миллий боғларда иқтисодий-экологик самарага эришиш йўналишлари белгиланди;

Ўзбекистоннинг мухофаза этиладиган табиий худудлари барча категорияларида халқаро тажрибага асосан уларнинг 10 фоизини рекреация-экотуризм зонасига ажратиши тавсия этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 22 июлдаги РФ-02/10-438-сонли таҳлилий маълумотномаси). Натижада мамлакатимизнинг барча иқтисодий минтақалари, районлари тасарруфидаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларида экотуризмни ривожлантиришга эришилди;

ривожлантиришнинг хизматлари бозорини иктисодий, ташкилий омилларини ўрганиш хамда сифатини ошириш, миллий туристик корхоналар рақобатбардошлиги ва экотуристик махсулотларга талабни туризмни бошкаришни рағбатлантириш асосларини яратиш, экологик иктисодий-математик моделлаштириш юзасидан билдирилган таклифлар 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-7Ф-130 рақамли «Туризм хизматлари ижтимоий-иктисодий модернизациялаш» бозорининг механизмини мавзусидаги фундаментал Давлат грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш қумитасининг 2016 йил 8 ноябрдаги ФТК-0313/756 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиялар асосида миллий туризм хизматлар ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири бахоланди, миллий туризм корхоналари ракобатбардошлигини оширишга эришилди;

минтақа шароитида экотуристик маршрутларни ташкил этиш ва худудини кенгайтиришга оид илмий натижалардан ИТД-2-15 «Ўзбекистонда болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини комплекс ривожлантириш муаммолари» лойихасида (2012-2014) фойдаланилган (Ўзбекистон фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш кумитасининг 2016 йил 25 октябрдаги ФТК-0613/717 - сонли маълумотномаси). Ушбу лойиха Самарқанд вилоятидаги Миронкул ва Оҳалиқ дам олиш ҳудудларида экотуристик-рекреацион туристик салоҳиятдан кенг куламда фойдаланиш, ҳусусан, болалар, усмирлар ва ёшлар туризмини ривожлантиришда табиатни асраб-авайлаш, экологик маданиятни юксалтириш ва экотуризмни бошқариш механизмини янада такомиллаштириш имконини берди.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Тадкикот натижалари 32 та жумладан, халқаро илмий-амалий анжуманда, ўнта илмий-амалий анжуманда, хусусан, II FORO Internacional de turismo Maspalomas costa Canaria (FITMCC) халқаро илмий-амалий анжумани (Маспаломас, Испания, 2014 й.); Transforming and Managing Destinations: Tourism and Leisure in a Time of Global Change and Risks халқаро илмий-амалий анжумани (Mannheim, Германия, 2012 й.); «Туризм и образования» халкаро илмий-амалий анжумани (Виллеамория, Португалия, 2011 й.); «Развитие экологического туризма в Азиатских странах» халқаро илмий-амалий анжумани (Жанубий Корея, 2010 й.); «Ўзбекистонда ахолига хизмат кўрсатиш сохаси ва туризм: ривожланиш муаммолари ва истикболлари» халкаро илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2016 «Туризм инфратузилмасини й.); ривожлантиришнинг методологик, услубий асосларини такомиллаштириш» халқаро илмий-амалий анжумани (Самарқанд, 2014 й.); «Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда хорижий тажрибани қўллаш» республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2014 й.); «Роль информационно коммуникационных технологий в модернизации национальной экономики» халқаро илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2011 й.); «Мустакиллик йилларида Ўзбекистон иктисодиёти: устувор йўналишлар, муаммолар ва ечимлар» республика илмий-амалий анжумани (Тошкент, 2011 й.); «Барқарор

ижтимоий- иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризмнинг роли» халқаро илмий-амалий анжумани (Самарқанд, 2010 й.); «Продвижение бренда «Великий Шелковый Путь» на мировой туристский рынок» (Тошкент, 2008 й.) «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш истиқболлари» (Тошкент, 2012 й.) халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шу жумладан, ўнтаси республика ва тўрттаси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 258 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланиб, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар рўйхати ҳамда диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмининг методологик асослари» деб номланиб, унда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг туристик-рекреация тизимидаги ўрни, механизмлари ва тамойиллари ифодаланган, экотуризмни ривожлантиришни бошқариш назарияси ва амалиётининг ретроспектив тахлили оширилган. Экотуризмни амалга ўрганилган. стратегиясини белгилаш атрофлича жараёни экотуризмни ривожлантиришни бошқариш таркибини такомиллаштириш хамда бозор стратегиясини шакллантириш йўналишлари асослаб берилган.

Экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш назарияси ва амалиётига таяниб, тадқиқотчи экотуризмни сайёхлик фаолияти таркибида ҳамда соҳалари таснифида дестинация (дам олиш жойи, ҳудуд) мезонига асосланган, табиатга саёҳат қилишга ихтисослашган ва табиатга энг кам салбий таъсир кўрсатадиган инновацион ва сердаромад йўналиш сифатида таърифлаган. Бундай таърифнинг муомалага киритилиши экотуристик фаолиятнинг туризм таркибида эгаллаган ўрнини аниқлаш ва кенгайтириш имконини беради. Бу жиҳат қуйидагиларни бошқариш механизмини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши исботлаб берилган: а) бошқариш механизмлари ва унинг таркиби; б) бошқариш принципи; в)

туризм бозорида хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари; г) бошқариш концепцияси; д) экотуризм турларини таснифлаш; е) Ўзбекистонда экологик туризмни ташкил этиш ва бошқариш йўналишларини белгилаш.

Адабиётлардаги мавжуд ёндашувларга асосланиб экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг тамойиллари ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш йўналишлари белгилаб олинди. Мавжуд хорижий манбаларни тахлил қилиш ва умумлаштириш асосида экологик туризм фаолияти турларининг модели ишлаб чиқилди. Таклиф этилаётган модель экологик саёхатларнинг асосий мазмуни ва ташкилий хусусиятларини аниклашга имкон беради, уларни режалаштириш ва бошқариш учун асос бўлади. Ушбу модель Жахон туризм ташкилоти (ЖТТ)нинг Ўзбекистонни экологик туризмни ривожлантириш бўйича дунё мамлакатларининг биринчи ўнлигига кирадиган энг истикболли минтақалардан бири, деб билдирган прогнозини амалга оширишга хизмат қилади.


Бошкариш назарияси ва амалиётининг ретроспектив Ўзбекистон шароитида экотуризм туризмнинг табиат билан натижалари бўлган ихтисослашган мустахкам алокада ўзига тарзда бошқариладиган механизмларига эга янги сохаси экани тўгрисидаги илмий талқин ва таърифни тавсия этишга асос бўлди. Экотуризмнинг асосий макони мухофаза этиладиган табиий худудлар (МЭТХ) бўлиб, унда табиат мухофазаси хал қилувчи ахамиятга эга бўлиши, экологик иктисодий ва экомаданият, экосиёсат воситаларидан кенг микёсда фойдаланиш асосий ўринни эгаллаши аниқланган.

Туризм тизими сайёхлик тармоғидаги руй берадиган муносабатлар ва ходисаларнинг мажмуаси хамда бирлиги сифатида таърифланган бўлиб, унда экотуристик ресурслар салохияти, бошкариш мухити, бошкариш жараёнлари, бошқариш самарадорлиги ва улардан амалиётда масалаларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги кўрсатилган. таркибидаги туризм субъекти хамда объектлари иккита кичик тизимга ажратилади, улар табиат ва ижтимоий-иктисодий мухитда мавжудлиги тегишли механизм усулларидан фойдаланишга асосланади (1-расм).

Ишда бошқариш самарадорлигини баҳолаш бошқариш жараёнининг зарурий таркибий қисми сифатида кўриб чиқилган.

Муаллиф фикрича, умумий кўринишда бошкариш самарадорлиги зарур ресурслар билан таъминланганлик даражаси, фаолият улар йўналишларини белгилаш ва режалаштириш (бошқаришнинг механизми ва усуллари), натижаларини назорат килиш ва бахолаш, уларнинг кўрсаткичларини табиатни мухофаза килиш тадбирларини хам хисобга олиб аниқлашни ўз ичига олади. Шунга мувофик, сохани самарали бошкариш мазкур тизимнинг, биринчидан, энг мухим жихатларини, иккинчидан, бошқариш механизмининг қўйилган мақсадларга эришиш даражасини бахолашни билдиради. Шу муносабат билан, бахолашнинг тамойиллари, кўрсаткичлари ишлаб чикилган, фаолиятни балл тизимида бахолаш тавсия этилган ва бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари Мазкур бахолаш миллий асослаб берилган. тизими

иқтисодиётда экотуризм бўйича устувор йўналишларни ишлаб чиқиш учун мухим асос бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Ўзбекистон экотуризмини бошқариш тизими ва механизмлари⁹

15

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим, деб топилди:


- •миллий манфаатларнинг устуворлиги, мамлакатнинг ягона экотуристик макони ва экотуристик бозорини ташкил этиш;
- •мамлакат экотуризмининг яхлитлиги, табиат муҳофазаси, экологик ва экотуристик хавфсизлик, экологик ва экотуристик назоратнинг ўзаро боғлик ва мувозанатлашган тизимини маҳаллий шарт-шароитлар ва истеъмолчи (ташриф буюрувчи)лар ҳамда маҳаллий аҳоли талаб ҳамда эҳтиёжларини ҳисобга олиб ташкил этиш ва бошқариш;
- •МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни бошқаришда ландшафт ва биологик хилма-хилликдан фойдаланиш жараёнида уларни асраш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий маданият ва анъаналарни ҳурмат қилиш, тарихан шаклланган миллий ҳунармандчилик ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашни бошқариш тузилмаси таркибига киритиш;
- экологик ҳамда экотуристик хавф-хатарларни ҳисобга олиш ва уларни бартараф этишни бошқариш;
- •маҳаллий кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлаш, экологик тоза хизмат кўрсатиш соҳалари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- экологик туризмни маҳаллий, минтақавий ҳамда миллий иқтисодиётга интеграциялашда унинг мамлакат иқтисодиёти самарадорлигига қушадиган ҳиссасини ошириш, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олиш.

Мазкур йўналишда экологик туризмни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишнинг ягона тизими, узоқ муддатли мақсади, тузилмаси, таркиби ва амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди (2-расм).

Иккинчи боб «Экотуризмни бошқаришнинг халқаро амалиёти: бошқарув тажрибаси ва ривожлантириш имкониятлари» деб номланган бўлиб, унда хорижий мамлакатларда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришнинг асосий тенденциялари ва халқаро ҳамкорлик йўналишлари ёритилган, якин хорижий мамлакатларда экотуризмни бошқариш тажрибаси ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш масалалари кўриб чикилган, МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги халқаро тажрибалар таърифланган.

Хорижий мамлакатларда миллий боғлар давлат бюджети маблағлари хисобига фаолият кўрсатмокда. Уларнинг даромад манбалари миллий боғ фаолияти ҳақидаги концессия ва лицензия шартномалари, ов қилиш, балиқ овлаш учун лицензиялар сотиш, боққа кириш ҳақи ва бошқалардан таркиб топади. Мазкур манбалардан Ўзбекистонда миллий боғлар фаолиятини ташкил этишда ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Ушбу тадбирларнинг айрим жиҳатлари бизнинг тавсиямизга кўра, Угом-Чотқол миллий боғида ҳам амалга оширилмоқда.

Айни пайтда дунёнинг қатор мамлакатларида экотуризм иқтисодиётнинг етакчи тармоғи даражасига кўтарилди. Шунга мувофик уни бошқариш ҳам янги шаклларда амалга оширилмокда.



¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

17

МЭТХлар, таркибидаги миллий улар боғлар экотуризмни ривожлантиришнинг объектига асосий айланди. МЭТХлар умумий майдонининг 10-12 фоизи рекреация максадларида фойдаланиладиган худудлар шаклида фаолият юритмокда. Уларни самарали бошқариш махаллий томонидан амалга оширилиши тажрибаси кенг хокимият қўлланилмоқда.

Хозирги вақтда туристик сафардан кўзланаётган мақсадлар ҳам жиддий ўзгаришларга учради. Илгариги шунчаки дам олиш ўрнини янги таассуротлар олишга бўлган иштиёқ эгаллаб бормокда. Шу боис муаллиф томонидан ибратли халқаро тажрибалардан республикамиз шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Марказий Осиё мамлакатларидан қушни Қозоғистон ҳамда Қирғизистонда маҳаллий ҳамжамият негизида туризмни шакллантириш (Community Based Tourism - CBT) ҳалҳаро лойиҳаларини амалга ошириш буйича тупланган узига хос тажрибаларни Узбекистон шароитига мослаштириб, фойдаланиш зарурати асослаб берилди.

Кирғизистонда швейцариялик туроператорлар томонидан ташкил этилган ҳамда ўз самарадорлигини амалда намойиш этаётган «Хельветас» лойиҳасидан ташқари, Қозоғистон ва Ўзбекистонда (масалан, Тошкент вилоятида Хумсон, Бурчмулла қишлоқларида) Жаҳон банки — ГЭФ лойиҳалари ва TACIS халқаро ташкилотининг Ғарбий Тяншань биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича халқаро лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳаларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳоли вакилларини туризм фаолиятига жалб этиш билан бевосита ва билвосита боғлиқдир.

МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришда кўплаб ижобий тажрибалар мавжудлиги, даромад олиш экотуризмнинг асосий ягона мақсади ва натижаси бўлмаслиги, айни бир вақтда тегишли даромадлар олиш ҳам экотуристик фаолият учун, ҳам маҳаллий аҳоли учун муҳим ўринни эгаллаши зарурлиги кўрсатиб ўтилган, бу борада тегишли тадбирларни амалга ошириш тавсия этилган.

Хозирги вақтда экотуристик хизмат ва маҳсулотлар чет эллик сайёҳлар ва ички туризм ҳавасмандлари ўртасида тобора оммалашган бўлиб, экспертлар фикрича, бу Марказий Осиёни экологик сайёҳликнинг ўзига хос «зиёратгоҳи»га айлантириши мумкин. Тадқиқотда Марказий Осиёдаги экотуристик маҳсулотлар бозорининг имкониятлари маҳаллий ва чет эллик сайёҳларнинг бу маҳсулотлар истеъмолига бўлган қизиқишларининг даражаси орқали ҳисоб-китоб қилинди.

«Миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида экотуристикрекреация мажмуининг ўрни ва уни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини бахолаш» га бағишланган учинчи бобда мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётни бошқариш тизимидаги ўрни ва уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, мавжуд рекреация ва макроҳудудлар хусусиятлари таърифланган, экотуристик фирмалар фаолияти билан боғлиқ жараёнларни бошқариш муҳити, имкониятлари, самарадорлиги ва улардан амалиётда фойдаланиш масалалари ёритилган, Ўзбекистоннинг туристик хизматлар бозори кўламлари ҳамда ундан экотуризм салоҳиятини оширишда самарали фойдаланиш йўналишлари асослаб берилган.

